

ГЛОБАЛЛАШУВ ВА ГЛОБАЛ МАФКУРА ТУШУНЧАСИ

Уралов Дилшодбек

СДВУ Тошкент филиали Катта ўқитувчиси

Б. Каршиев

СДВУ Тошкент филиали доценти

АННОТАЦИЯ

Мақолада Глобаллашувнинг салбий жиҳати, камчилиги унинг айрим ҳолатлардаги маънавиятсизлигида намоён бўлаётганлиги, моддийлашган тор дунёқараши, қадриятларни нотўғри тушуниш, ироданинг мутлақ эгоцентризм шаклидаги кўриниши ушибу дунёning асосий тамойилига айланаб бораётганлиги ҳақида маълумот берилган.

Калим сўзлар: рационал, глобаллашув, жамиятишунос олимлар, иқтисод, сиёсат, ҳуқуқ, техника, технология, мафкуравий иммунитет.

АННОТАЦИЯ

В статье сообщается, что негативная сторона глобализации, ее недостатки проявляются в ее аморальности в ряде случаев, материализованном узком мировоззрении, непонимании ценностей, проявлении воли в форме абсолютного эгоцентризма становится главным принципом этого мира.

Ключевые слова: рационализация, глобализация, социология, экономика, политика, право, техника, технология, идеологический иммунитет.

ABSTRACT

The article informs that the negative side of globalization, its shortcomings are manifested in its immorality in some cases, materialized narrow worldview, misunderstanding of values, the appearance of the will in the form of absolute egocentrism is becoming the main principle of this world.

Keywords: rationalization, globalization, sociology, economics, politics, law, technique, technology, ideological immunity.

КИРИШ

Ҳар бир даврнинг мазмун-моҳиятини, ривожланиш қонуниятини тўғри англаб ва тушуниб етишда энг муҳими даврнинг мазмунини белгилаб берувчи жараёнларни, тушунчаларнинг мазмунини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Бугунги қунда ҳаётимизда ижтимоий, сиёсий, маданий ва маънавий соҳаларда кенг қўлланилаётган глобаллашув тушунчаси кўплаб сиёsatчи, файласуф олимларни қизиктириб келмокда. Француз файласуфи Рене Декарт

“Тушунчалар маъносини аниқлаштиринг ва бу инсониятнинг ярмини адашишдан сақлайди”¹, деганида нечоғлиқ ҳақ эканини даврнинг ўзи исботлаб турибди.

Ислом Каримов таъбири билан айтганда, бугун биз тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, инсоният ҳозирга қадар бошидан кечирган даврлардан тубдан фарқ қиласидиган ўта шиддатли ва мураккаб бир цивилизация замонида яшамоқдамиз. Давлат ва сиёсат арбоблари, файласуфлар ва жамиятшунос олимлар, шарҳловчи ва журналистлар бу даврни турлича таърифлаб, ҳар хил номлар билан атамоқда. Кимдир уни юксак технологиялар замони деса, кимдир тафаккур асли, яна бирор ялпи ахборотлашув даври сифатида изоҳламоқда. Албатта, бу фикрларнинг барчасида ҳам маълум маънода ҳақиқат, рационал мағиз бор. Чунки уларнинг ҳар бири ўзида бугунги серқирра ва ранг-баранг ҳаётнинг қайсиидир белги-аломатини акс эттириши табиий. Аммо кўпчиликнинг онгиди бу давр глобаллашув даври тариқасида таассурот уйғотмоқда. Бундай таъриф қўп томондан масаланинг моҳиятини тўғри ифодалайди. Нега дегандা, ҳозирги ахборот замонида ер юзининг қайси чеккасида қандай бир воқеа юз бермасин, одамзот бу ҳақда дунёning бошқа чеккасида зудлик билан хабар топиши ҳеч кимга сир эмас.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ана шу сабаб глобаллашув феномени ҳақида гапирганда, бу атама бугунги кунда илмий-фалсафий, ҳаётий тушунча сифатида жуда кенг маънони англатмоқда. Глобаллашув атамаси дастлаб XX асрнинг 80-йиллари бошларида иқтисодий соҳада содир бўлган ўзгаришларни юзага келтирган омил сифатида америкалик олим Т.Левиттнинг 1983 йилда “Гарвард бизнес ревью” журналида эълон қилган мақоласида қўлланилган эди. У йирик трансмиллий корпорациялар ишлаб чиқарадиган турли-туман маҳсулот бозорларининг бирлашув жараёнларини “глобаллашув” деб атаган². Т.Левиттнинг ушбу таърифида глобаллашув жараёнининг иқтисодий томонларига эътибор берилган, холос. Аслида, глобаллашув яхлит жараёнларни ўз ичига қамраб олади.

Рус тадқиқотчиси С.Честякова ўз навбатида глобаллашув таърифининг ўзига хос хусусиятларини очиб беради. Жумладан, у шундай дейди:

¹ Р.Декарт. Рассуждение о методе, чтобы верно направлять свой разум и отыскивать истину в науках и другие философские работы. – М.: Академический проект, 2011. – С. 335.

² Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари. – Тошкент: Маънавият, 2006. – Б. 8.

-“глобаллашув, биринчидан – бу замонавий цивилизациянинг талабларини қондиришга қаратилган объектив ва тарихий жараёнлар характеристига эга;

- иккинчидан, бу – ижтимоий омилларни такомиллаштириш ва мураккаблаштириш асносида давлат ва миллат мустақиллигидан устуворлик қиласиган жараёнлар интеграцияси. Аввало, у, иқтисод, сиёсат, хуқуқ, техника, технология, ахборот ва бошқа бошқарув соҳаларини халқаро организм структурасига эга фаолиятни вужудга келтиради.

- учинчидан, ушбу жараёнлар натижасида инсон ва жамият мавжудлигини таъминлашнинг ижтимоий асослари ўзгаришига олиб келади. Бу ўз навбатида инсон ва жамиятнинг маънавий қиёфасини ўзгаришига таъсир кўрсатади³.

Бундан ташқари, Француз тадқиқотчиси Б.Банди томонидан глобаллашув жараёнига берилган қуйидаги уч ўлчов келтирилган:

- глобаллашув муттасил давом этадиган тарихий жараён;
- глобаллашув жаҳоннинг гомогенлашуви ва универсаллашуви жараёни;
- глобаллашув миллий чегараларнинг ювилиб кетиш жараёни⁴, эканлиги ҳам қайд этилган.

Америкалик таниқли сиёсатчи Г.Киссенжер 1999 йил 12 октябрда Ирландиянинг Дублин шаҳридаги Тринити коллежида ўқиган маъruzасида шундай деган эди: “Одатда глобаллашув деб аталадиган ҳодиса, аслини олганда, Кўшма Штатларининг хукмронлик ролининг шунчаки бошқача номланишидир⁵”. Жаҳон иқтисодиёти ва сиёсатида ҳакамликни даъво қилаётган АҚШ дунёга эгалик қилишининг энг нозик ва шу билан бирга энг кучли воситасини ҳам ишга солмоқда. Глобаллашув бутун жаҳон иқтисодий-сиёсий, маданий интеграция ва унификациялашув (бир-бирга яқинлашув) жараёнидир. Унинг асосий хусусиятлари халқаро меҳнат тақсимоти, капитал, ишчи кучи ва ишлаб чиқариш ресурсларининг эркин ҳаракати, қонунчилик, иқтисодий ва технологик жараёнларни стандартлаштириш, шунингдек, турли мамлакатлар маданиятининг қўшилиши ва яқинлашувидир. Бу объектив жараён бўлиб жамиятнинг барча соҳаларини қамраб олувчи тизимли хусусиятга эга. Зоро биз А.Тойнби таъбири билан айтганда, инсоният, “умумий уй”, “умумий тақдир” ва “умумий ташвиш”лар билан яшашга киришаётган⁶, бир сўз билан

³ Чистякова С.С. Глобализация культуры: генизис, типология, современные аспекты: дис. канд. филос. наук. Белгород, 2007

⁴ Чистякова С.С. Глобализация культуры: генизис, типология, современные аспекты: дис. канд. филос. наук. Белгород, 2007.

⁵ Иноземцев В. Вестернизация как глобализация и “глобализация” как американизация // Вопросы философии., 2004. – №4. – С. 61.

⁶ Жураев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.221.

айтганда, глобаллашув деб аталаётган жараёнлар содир бўлаётган замонда яшамоқдамиз.

Глобаллашув тушунчаси ҳақида мамлакатимиз олим ва сиёсатчилари ҳам ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиримоқдалар. Шу маънода, сиёсатшунос олим С.Отамуродовнинг фикрича, “Глобаллашув давлатлар ва халқлар ҳаётининг барча соҳаларида ялпи умумлашув жараёнини англатмоқда⁷”. Сиёсатшунос олим Н.Жўраев қайд этганидек, “ҳозирча фақат қандайдир мавхум ижобий жиҳатлари билангина эмас, балки кўпроқ “ҳозирги давр глобал муаммолари”ни вужудга келтиргани билан характерлидир⁸”.

Олимларнинг фикрича, глобаллашув бир неча ижобий жиҳатларга эга бўлиб, у жумладан:

- мамлакатларнинг иқтисодий тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ бўлган муаммоларни ечишга жиддий асос яратади;
- бозорнинг кенгайиши билан бир қаторда ихтисослашув ва халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашувига сабаб бўлувчи халқаро рақобатни вужудга келтиради; кенг тарқалиши ҳамда дунё миқёсида инновацияларни киритишга қаратилган рақобат босими натижасида кузатиладиган иш самарадорлигининг ошишига олиб келади. Бироқ глобаллашув ўзида нафақат ижобий натижаларни, балки ўзига хос зиддиятларни, демак, салбий натижаларни ҳам мужассам этган.

Бугунги кун сиёсати мафкуравий хавфсизликни таъминлаш, гоявий таъсир кўрсатишга қарши соғлом ғоя билан жавоб бериш, ёшларни бунёдкор ғоялар билан мафкуравий иммунитетининг мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Глобаллашувнинг салбий жиҳатларига қуидагиларни киритиш мумкин:

- ривожланмаган мамлакатларнинг иқтисодий ўсиши ривожланган мамлакатларнига нисбатан сустроқ бўлганлиги сабабли глобаллашувдан келадиган афзаллик ва устунликлар асосан ривожланган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади;
- бой ва камбағаллар ўртасидаги масофа янада чуқурлашиши,adolatsizlik, tengsizlik натижасида кўпгина зиддиятлар пайдо бўлиши эҳтимоли бор;

⁷ Отамуродов С. Тажовуздан сакланиш йўли. Тафаккур. 2006. №2. – Б. 14.

⁸ Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.459.

- баъзи мамлакатлар иқтисодиётининг назорати мустақил ҳукуматлардан салоҳиятлироқ бўлган халқаро ташкилотларга ёки трансмиллий корпорациялар қўлига ўтиш хавфи мавжуд;
- глобаллашув натижасида турли юқумли касалликлар, гиёҳвандлик, уюшган жиноятчиликнинг бир мамлакат ҳудудидан бошқаларига тарқалиши осонлашади;
- глобаллашув миллий давлатчилик пойдеворининг заифлашувига ва ҳатто айрим давлатларнинг йўқолиб кетишига, ғарб поп маданиятининг кенг тарқалишига ва аксинча, турли миллий маданиятларнинг йўқолиб кетишига олиб келиши мумкин (олимларнинг таъкидлашича, ғарб маданияти таъсирида ҳозирги пайтда дунёда ҳафтасига 2 та тил ўлик тилга айланмоқда). Шу сабабли глобаллашув зиддиятли ҳодиса бўлиб, аввало, оммавий маданият ниқобидаги нохуш ҳодисаларнинг аксилмаданиятнинг тарқалиш хавфи ҳамда халқларнинг ранг-баранг, бой маънавий ҳаётининг бир хиллашуви, миллий ўзлик туйғусининг су сайиши, эгоизм ва нигилизм каби хатарларнинг қучайиши ҳамда маънавиятсизлик муаммоларининг намоён бўлишида кўришимиз мумкин.

Ёт ғоялар бугунги кунда ўзгача жимжимадор, ўзининг гўзал кўринишлари билан ёшларнинг қалби ва онгини эгаллашга урунмоқда. Бир қарашда кўзимизга кўринмайди, аммо айрим ёшларнинг фикрлаш тарзи ўзгариб бораётгани сезилмоқда. Айниқса, ўзга давлатнинг ғояларини илгари суришлар кун сайин ошкор бўлмоқда. Уни айрим мутахассислар хорижга чиқаётган ёшлар олиб кишини, айримлари эса интернет ёшларни онгига салбий кўрсатмоқда демоқда. Ҳозир – ғоявий қарама-қаршиликлар ғоят мураккаблашган, мафкура полигонлари ҳар қачонгидан ҳам хавфли тус олган давр. Шундай экан, уларнинг ўзига хос манфаатларини ифодалайдиган мафкуравий таъсир усуслари ҳам бўлиши шубҳасиз. Жаҳон сиёсий харитасида турфа сиёсий кучлар, партиялар, дин ва диний оқимлар, мазҳаблар, гурӯҳ ва қатламлар фаолият кўрсатмоқда. Улардан ҳар бири ўз манфаатлари – мафкурасига эга. Айнан мана шу манфаатлар ўзга халқлар, турли минтақалар, давлатларнинг аҳолиси ёки ижтимоий гурӯҳлар онгига, турмуш тарзига таъсир ўтказиш, уларни бўйсундириш учун йўналтирилган мақсадларни шакллантиради.

Глобаллашув жараёнининг ўзига хос жиҳатларидан яна бири “...ҳозирги шароитда у мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўтқир қуролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат

қилаётгани⁹”дир. Мана шундай вазиятда одам ўз мустақил фикрига, замонлар синовидан ўтган ҳаётий-миллий қадриятларга, соғлом негизда шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли маънавий таҳдидларга, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишидаги таъсирига бардош бериши амримаҳол. Хулоса қилиб айтганда, Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Биз бошимиздан кечираётган ҳозирги глобаллашув даври ўта шиддат билан ўзгараётгани ва турли таҳдидлар кўплиги билан олдимизга ҳал этишни кечикириб бўлмайдиган ғоят мураккаб вазифаларни қўймоқда¹⁰”.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, ёшларни болалигидан тарбиясига жиддий эътибор қаратилмагани, унинг қизиқишилари ўрганилмагани, маърифатга кўпроқ йўналтирилмаганидан Мафкуравий иммунитетнинг сусайиши юзага чиқмоқда. Уларнинг мафкуравий иммунитети ҳақида ўз вақтида тўғри ишланмаганидан ёт ғоя таъсирига тушаётир. Мафкуравий иммунитети мустаҳкам ёшни ҳеч бир ёт ғоячи йўлдан оғдира олмайди. Дунё ҳаритасидаги давлатлар, миллатлар тарихий шарт-шароит, жўғрофий жойлашуви, геостратегик ҳолатига кўра турли мавқега эга.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармони. 5 июль 2017 й.// [хттп://www.press-service.uz/уз/листс/виew/748](http://www.press-service.uz/уз/листс/виew/748).
2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2021.
3. Мирзиёев Ш.М. Олий Мажлисга Мурожаатномаси 2018 й. 28 декабрь. Т.:Ўзбекистон, 2019.
4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
5. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т: Ўзбекистон, 2017.
6. Абдулла Авлоний. Туркий Гулистон ёхуд аҳлоқ.- Т.: «Ўзбекистон», 1992 йил, 15-16 б.
7. Аббосхўжаев. О., Умарова Н., Кўчқоров Р. Мафкура полигонларидағи

⁹ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.:”Маънавият”, 2008. – Б.112.

¹⁰ Ш.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т: “Ўзбекистон”, 2017. – Б. 45-46.

олишув. –Т.: Академия, 2007. –Б. 4, 91.

8. Омонов Б.А. Жамиятни модернизациялашнинг концептуал асослари. – Т.: Алоқачи, 2019. – Б. 91, 195.

9. Saidov, S. (2021). Ibn al-Muqaffaning islom tarjima san'atiga qo 'shgan hissasi. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(1), 334-337.

10. Saidov, S. (2022). TARIXIY MANBALARDA KELTIRILGAN IBN AL-MUQAFFA BORASIDAGI MA'LUMOTLAR TAHLILI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(2), 525-528.

11. Jurayev, S. S. U. (2021). ABU ALI IBN SINONING FALSAFIY QARASHLARIDA AXLOQ MASALASI VA UNING BUGUNGI KUNDAGI AHAMIYATI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(3), 11-14.

12. Jurayev, S. S. O. (2021). Abu Ali ibn Sinoning falsafiy qarashlarida baxt-saodat masalasi. *Academic research in educational sciences*, 2(Special Issue 1), 395-401.

13. Saidov, S. A. O. G. L. (2021). IBN AL-MUQAFFANING HAYOTI VA ILMIY FAOLIYATI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(7), 8-14.

14. Saidov, S. (2022). "TADBIR UL-MANZIL" RISOLASI–OILAVIY MUNOSABATLAR UCHUN DASTURULAMAL. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(5-2), 894-897.

15. Jurayev, S. S. O. G. L. (2022). ABU ALI IBN SINONING INSON VA UNING MA'NAVIY KAMOLOT MASALASIGA MUNOSABATI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(Special Issue 23), 902-908.

16. Jurayev, S. S. O. G. L. (2022). ABU ALI IBN SINO VA UNING FALSAFIY QARASHLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(Special Issue 4-2), 16-24.

17. Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар.-Т., Ўзбекистон, 2004. Б.126

18. Фалсафа қомусий лугат. -Т.: Шарқ, 2004, 250 б.

Интернет маълумотлари:

1. Google.uz
2. Wikipedia.uz
3. Lex.uz